

# ОТАЛАР ЖАСОРАТИ – ИБРАТ МАКТАБИ



ТОШКЕНТ

# **ОТАЛАР ЖАСОРАТИ – ИБРАТ МАКТАБИ**

*Илмий-оммабон тўплам*

**ТОШКЕНТ–2016**

**УЎК:001.89(092)**  
**КБК 83.3(5Ў)-8**  
**О-87**

**О-87** Оталар жасорати – ибрат мактаби. –Т.: «Fan va texnologiya», 2016, 128 bet.

**ISBN 978–9943–4682–8–3**

*Ушбу илмий-оммабон тўплам Ўзбекистон Республикасидаги демократик институтлар, нодавлат, нотижорат ташкилотларни қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди томонидан «Давлат ижтимоий дастурларини амалга оширилиши, демократик ислохотларни чуқурлаштириши ва фуқаролик жамиятини шакллантириши жараёнларини мустақил ОАВларида ёритишига қаратилган лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш» мавзусида эълон қилинган танлови доирасида «XXI asr texnologiyalari» журнаlining «Ватанни фашизмдан ҳимоя қилишида мардлик ва қаҳрамонлик кўрсатган, Ғалаба йўлида фронт ортида фидокорона меҳнат қилган кекса авлод илм-фан вакилларининг аниқ мисолида махсус мақолалар тайёрлаш» лойиҳаси бўйича тайёрланди.*

**УЎК:001.89(092)**  
**КБК 83.3(5Ў)-8**

**Тақризчилар:**

**А.Улуғов** –Филология фанлари номзоди;  
**Ҳ.Абдиев** – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси.

**ISBN 978–9943–4682–8–3**

© «Fan va texnologiya» нашриёти, 2016.

## СЎЗ БОШИ

Ушбу тўплам мамлакатимиз Президенти ва давлатимизнинг мустақил фикрлайдиган, дунёқараши кенг, қатъий ҳаётий позиция ва ишончга эга ёшларни тарбиялаш, ёшларнинг илмий-техник, ижодий, интеллектуал салоҳиятини ривожлантириш борасидаги қарорларининг ҳаётга татбиқ қилинишига ҳамда «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг бажарилишига амалий ҳисса қўшиш мақсадида тайёрланди.

Ўзбекистон Республикасидаги демократик институтлар, нодавлат, ноижорат ташкилотларни қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди томонидан «Давлат ижтимоий дастурларининг амалга оширилиши, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнларини мустақил ОАВларида ёритишга қаратилган лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш» мавзусида эълон қилинган танлов доирасида «XXI asr texnologiyalari» журнали «Ватанни фашизмдан ҳимоя қилишда мардлик ва қаҳрамонлик кўрсатган, Ғалаба йўлида фронт ортида фидокорона меҳнат қилган кекса авлод илм-фан вакилларининг аниқ мисолида махсус мақолалар тайёрлаш» лойиҳаси бўйича тайёрланган мазкур мақола ва маълумотлар болалар ва ёшларда кекса авлоднинг ҳаётий ҳамда илмий жасоратидан ғурур, фахр туйғуларини шакллантиришга хизмат қилади.

Чунки тўпламда ҳаёт йўллари акс эттирилган алломалар мамлакатимизнинг кимё, кибернетика, биология, физика, тарих, тиббиёт, матншунослик ва муסיқашунослик соҳаларидаги ютуқларига ўз ҳаётларини бахшида қилган илм-фан, адабиёт ва санъат дарғаларидир. Табиийки, бугунги авлод олдида ҳам оталар анъаналарини давом эттириш, мустақил Ватанимизнинг барча соҳалардаги салоҳиятини кўтариш вазифаси турибди. Кекса авлод илм-фан вакилларининг ўтган юз йилликдаги жасорати, қатағонлар даврида, иккинчи жаҳон урушининг оловли йилларида, урушдан кейинги қаҳатчилик ва машаққатли йиллардаги фидойилиги ёш авлодга ибрат мактаби бўлиши шубҳасиз.

1941-1945 йиллардаги 2-жаҳон урушида Ватанни фашизмдан ҳимоя қилишда мардлик ва қаҳрамонлик кўрсатган, ғалаба йўлида фронт ортида фидокорона меҳнат қилган, фан тараққиётига улкан ҳисса қўшган кекса авлод илм-фан вакилларининг кашфиёт ва ихтиролари, адабиёт ва санъат соҳасида яратган асарлари ҳақидаги мақолалар янги илмий ишланмалар ва ихтиролар устида ишлаётган ижодкор ёшларни, энг аввало, касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртлари битирувчиларини дунёқараши кенг, қатъий ҳаётий позиция ва ишончга эга, бугунги тинч-тотув ҳаёт ҳамда яратилган имкониятларнинг қадрига етадиган авлод қилиб тарбиялашда муҳим рол ўйнайди, албатта.

Шунингдек, уруш ва меҳнат fronti фахрийларига ғамхўрлик ва эътибор кўрсатишни кучайтириш бўйича давлатимиз томонидан амалга оширилаётган чоралар ҳақида ёшларнинг хабардор бўлиб бориши уларда кекса авлодга эҳтиром кўрсатиш ва қадрлаш туйғуларини ҳам шакллантиради. Ота-боболар ибрати ёшларнинг ўз илмий-техник, ижодий, интеллектуал салоҳиятларини янада ривожлантиришларига, олдиларига қўйган мақсадларини амалга оширишларига куч-ғайрат бағишлашига ушбу тўпламнинг ҳам муносиб ҳиссаси бўлади деб умид қиламиз.

*«XXI asr texnologiyalari» журнали  
таҳририяти*

## ОРЗУЛАР МАВСУМИ ВОСИЛ ҚОБУЛОВ

Сукунат. Бирлашма ходимларининг тинимсиз кириб-чиқиб туриши, ҳар бир масаланинг тез ва ишчанлик билан ҳал қилинишидан бу хонани улкан жамоанинг энг замонавий электрон ҳисоблаш машинаси ўрнашган марказига қиёслаш мумкин. Ҳозир эса сукунат. Хонада бирлашма дарғасининг хаёли ҳукмрон.

**Ҳаёт мураккаб. Одамлар ҳақида ўйлар экансан, хаёлда эътиқод тушунчаси чарх ураётганини сезмай қоласан. Эътиқоднинг ўзи нима? Маслакка, танланган йўлга содиқлик, ишонч. Олимнинг эътиқоди-чи? Ўз фанига нисбатан покиза муносабати. Саёз дунёқараш билан чекланиш олим учун рухий фожиа. Бунга йўл қўймаслик ҳалолликдан бошланади. Ҳалоллик-чи? У она сугидан, она алласидан туғилади.**

**Восил Қобулов:** – Фикримча, мактаб – олий ўқув юрти – аспирантура – докторантура узилмас бир бутун жараёнга айланиши мақсадга мувофиқ.

Она вужудидаги ҳомиланинг ривожланиш босқичларини бошқара олсак қани эди! Ҳар бир норасида қалбида лоақал эътиқод, ҳалоллик деган муқаддас туйғулар билан туғилса, у вояга етгач, «Сен яхши одам бўл» дейишга хожат қолмасмиди! Бу борада шифокор билан бошқа соҳа олимлари, хусусан, кибернетиклар ҳамкорлиги буюк кашфиётлар қилади. Ҳа, ҳа! Лекин ҳар қандай даврда ҳам тарбия мезони ота-боболар анъанасидан, замон талабларининг уйғунлигидан келиб чиқади. Ота-она, устозлар, муҳит – шахсни шакллантирувчи бош омиллар. Ҳар қандай болаликнинг ҳеч бир ёрқин манзараси ёддан ўчмайди. Тунукасоз бобомнинг китоблари... Узоқ қиш кечалари танча атрофида йиғилган ҳунарманд дўстлари билан бедилхонлик, навоийхонлик қилишлари... «Баҳром Гўр», «Юсуф ва Зулайҳо» дostonларини тинглаб уйқуга кетишларим... Нақадар унутилмас, масрур дамлар... Энди-чи? Энди «Ўтган кунлар», «Уруш ва тинчлик», «Навоий», «Мирзо Улуғбек», «Тирик сайёралар»...

Шеърятни ҳис қилишга қодир одам фалсафанинг туб маъносини англай олади, деган экан қадимги юнон донишманди Афлотун. Асримизнинг буюк олими Эйнштейн эса, «Мен Достоевскийдан ҳар қандай алломадан кўра кўпроқ таъсирланаман, озуқа оламан», деб ёзган. Кибернетика фанининг асосчиси Норберт Винер етти ёшидаёқ Дантени севиб ўқиди, Жюль Верн, Герберт Уэлс қаламига мансуб фантастик асарларни кўлдан кўймай мутолаа қилди. Бундай мисоллар кўп. Демак, адабиёт ва санъатга меҳр қўйиш, яъни ҳиссиёт камолоти буюкликнинг бир қирраси эмасми!..

Ўтмишда яшаб ўтган ҳар бир донишманд аллома ҳаёти, фаолияти – авлодлар учун мактаб, ибрат. Улардан қанчалик ўрганиш иқтидорга, қобилият ва истеъдодга боғлиқ. Истеъдодни тарбиялаш, авайлаб вояга етказиш эса устозлардан, уларнинг нечоғли устозлигидан. Тошмуҳаммад Қори Ниёзий, Тошмуҳаммад Алиевич Саримсоқов маърузаларини тинглаган, уларнинг маслаҳатларига қулоқ солган ҳеч бир ёш кам бўлмади. Халил Аҳмедович Рахматуллин, Муҳаммад Тошевич Ўрозбоевчи? Бундай йирик олимлар ўнлаб, юзлаб илм кишилариининггина эмас, балки фанимизнинг, халқимизнинг бахти, фахридир.

Олимлар икки тоифага бўлинади: тор илмий йўналиш билан кифояланиб, бутун умрини шунга бағишлайдиганлар; шуғулланаётган соҳаси билан чегараланмай, бошқа соҳаларга ҳам қизиқувчи, бошқа соҳаларда ҳам тадқиқотлар олиб боришга интилувчилар. Қори Ниёзий, Саримсоқов, Рахматуллин, Ўрозбоев каби олимлар иккинчи тоифага мансуб. Уларнинг ҳар бири илмнинг фундаментал масалалари билан шуғулланганлар, аниқ амалий масалаларни ҳал этадиган катта илмий мактаблар яратганлар.

Академик Анатолий Алексеевич Дородницин устозлигидан баҳраманд бўлиш шогирдлик бахтимнинг давоми эканидан бахтиёрман. Икки хил тоифанинг кейингисига қўшиш мумкин бўлган бу улкан устоз мени кибернетика оламига олиб кирди. Бутун умр пластинка ва қобикни ҳисоблаш билан шуғулланиб ўтсам бўлаверарди. Бироқ пластинка ҳам, қобик ҳам ўз-ўзича мавжуд эмас, улар қурилиш элементларидир, холос. Шундай экан, назарияни исботлайдиган формула ҳисоби-ю, теореманинг

исботи билан чекланишдан қониқиш топмадим. Шу элементларни аниқ сонларгача ҳисоблаб, бино ва иншоотлар лойиҳасини тузувчиларга тавсия бериш масаласига қизиқдим. Бунақа ҳисоб-китобларни қалам-қоғоз билан уддалаб бўлмасди. Кибернетика фанининг вужудга келаётгани, унинг қудратли қуроли бўлмиш электрон ҳисоблаш машиналари (ЭҲМ)нинг яратилаётгани даврнинг қонуний тақозоси эди. Ўзбекистон Фанлар академияси Математика институтининг ҳисоблаш техникаси бўлимида, кейинроқ Механика институти ва ҳисоблаш марказида олиб борилган илмий тадқиқот ишлари ҳам замон талабининг нақадар тўғрилигини, кибернетикадек серқўлам фанни вужудга келтириш ва шакллантириш республикамиз халқ хўжалигини юксалтиришда мислсиз аҳамиятга эга эканини кўрсатди. Кибернетика институтининг ташкил этилиши, сўнгра унинг илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасига айлантирилиши ҳам Ўзбекистонда кибернетика фани тараққиётининг илмий-техник негизи яратилганининг, шунга яраша эҳтиёж мавжудлигининг амалий исботи бўлди.

Бирлашмада кибернетиканинг фундаментал муаммолари устида изланишлар олиб борилади, автоматлаштирилган системалар лойиҳаси яратилади, ностандарт асбоб-ускуналар ишлаб чиқарилади. Айниқса, одам ақлий меҳнатини автоматлаштириш муаммосини ҳал этиш қийин, лекин қизиқарли масалалардандир. Бунинг учун ЭҲМларни янада такомиллаштириш, бошқаришнинг одам-машина системасини яратиш зарур.

Кибернетика тили билан айтганда, ақлий фаолиятни тартибқоидага келтириш, яъни қолиплаш мумкин бўлган қисмининг мантиқий ва математик нисбатларини яратиш, сўнгра уларни кибернетик машиналарга жойлаштириш керак. Кибернетика соҳаси учун тамоман янгилик бўлган истиқболи порлоқ алгоритм йўналиши шу асосда вужудга келди.

...Умр ўтаверади. Кунларнинг беҳуда ўтишидан сақланиш керак. Чунки эртага қолдирган ишинг эртаники, бугунни бой бермаслик лозим. Қани эди, ҳар куни кичкина бўлса-да бирор янгиликнинг гувоҳи бўлсанг... Назаримда, бу борада кибернетиканинг имкониятлари бой. Агар кибернетика фани вужудга келган даврдан буён ўтган чорак аср муддатда эришилган



ютуқларни, кибернетиканинг нақадар кенг татбиқ этилаётганини назарда тутсак, камдан-кам кун беҳуда ўтганини кўриш мумкин. Илм амалга пайваста эттирилган жойда ҳам илмий, ҳам амалий ютуқлар бўлаверади. Республика автоматлаштирилган бошқариш системасини яратиш йўлидаги ҳозирги изланишлар халқ хўжалигини бошқаришда улкан самаралар беради, албатта.

Ўзбекистонда кибернетика фани вужудга келиш даврида унинг санокли мухлислари бор эди. Ҳозир бу соҳада бир неча мингдан зиёд киши хизмат қилмоқда, таълим олмоқда. Республика халқ хўжалиги тармоқларида 120 дан ортик автоматлаштирилган бошқариш системаси мавжуд, 330 га яқин ЭХМдан фойдаланилмоқда. Булар – республика автоматлаштирилган бошқариш системаси (РАБС) яратиш йўлидаги дастлабки босқичдир.

Ўлкамизда кибернетика фанининг вужудга келиши ва шаклланиши, дунёда биринчи бўлиб РАБС яратишга интилиш ва унинг амалга оширилиши инсон тафаккури ва иродасини улугловчи тарихий далолат бўлиб қолади.

Инсон умри... Истиқболни кўра билиш ва унга ишонишнинг ўзиёқ ҳаёт моҳиятини санъаткорона ҳис қила билишдир. Бу каби асрий ҳикматлар яшаш моҳиятини ҳис қила олган халқ фарзандлари, фидойилари тажрибасининг мевасидир. Илмий-техника инқилобининг асл моҳияти одам фаолиятининг маълум қисмини машина зиммасига юклашдан иборат. Жисмоний меҳнатни роботлар ёрдамида енгиллаштириш ҳозир ҳеч кимни ажаблантирмайди. Эндиликда инсон ақлини кибернетикалаштириш муаммоси устида изланишлар олиб борилмоқда. Электрон ҳисоблаш машиналари шеър, ҳикоя ёзмоқда, музика басталамоқда, шахмат ўйнамоқда. Лекин «темир одам»нинг ижодий фаолияти доирасини, имкониятларини янада кенгайтириш, уни «гаплашишга», «кўришга» ўргатишимиз керак. Бунинг учун ҳам ақлий фаолиятнинг мантиқий ва математик нисбатларини яратиш лозим. Ана ўшанда одамлар ўз ақл-идрокини сарфламаса ҳам бўлаверадиган ижодий ишлардан қутуладилар. Бинобарин, чинакам ижодий ишларга имконият кўпроқ яратилади. Халқ хўжалигини бошқаришнинг автоматлаштирилган усулини бунёд этиш,

ижодий интеллект барпо қилиш хусусида кўп ўйлаймиз. Маиший кибернетика, медицина кибернетикаси, таълим-тарбия кибернетикаси каби тармоқ соҳаларда кибернетик воситаларни татбиқ этиш ҳам кечиктириб бўлмайдиган муаммолардан. Бу соҳаларда ҳам айрим янгиликлар бор, лекин етарли эмас. Масалан, ишдан уйга қайтганингизда, телефонда сиз йўғингизда қўнғироқ қилган ўртоқларнинг телефон номери қайд этилган бўлса, хонангизда голографик киноқурилма, газета-журналлар бўлса... Ёки, оддий стулга тана ҳароротини, қон босимини ўлчагич асбоблар ўрнатиш унчалик мураккаб эмас. Ўзини сал нотоб сезган одам шундай стулга ўтирса-да, зум ўтмай ундаги митти ЭХМ таблосида «Сиз соппа-соғсиз» ёки «Врачга мурожаат қилинг» деган ёзувлар пайдо бўлса... Эҳ-ҳе! Шунинг ўзидаёқ қанча вақт тежалган, қанчадан-қанча асаб бузилишларнинг олди олинган бўлур эди! Майли, турмушнинг ҳар қадами ЭХМ ва роботлар билан жиҳозланар, лекин уларни ишлатиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди-ку, қабилдаги мулоҳазаларни ҳам эшитиб қоласан баъзан. Ахир, радио-приёмник, телевизор ёки кир ювадиган машиналар янги расм бўлган даврларда улардан фойдаланишни ҳамма тўсатдан ўрганиб қолмаган-ку. Қолаверса, ҳозирги одамлар дунёқараши, умумий савияси у давр одамлариникидан озмунча фарқланадими! Бизнинг замондошларимиз рўй бераётган техника янгиликларига ҳам амалий, ҳам маънавий жиҳатдан тез мослашадилар. Чунки одамлар қайси касб эгаси бўлишидан қатъий назар, улар умуман фан янгиликларидан доимо бохабардирлар. Бунда фанни оммалаштираётган мақолалар, рисоалар, китобларнинг катта хизмати бўлмоқда. Лекин кибернетика билан бевосита шуғулланувчилар бу фан келажакка эгалик қилувчи ҳозирги ёшлар масалалари устида кўпроқ бош қотиришлари керак. Умуман, ёш олимлар тарбиясини тўғри йўлга қўйиш лозим. Аввало, илмий ижод моҳиятини тушуниш зарур. Кўпчилик, олимнинг мантиқий фикрлашида савқи табиийнинг афзаллик ва нуқсонлари ҳақида гапирди. Баъзилар фикрлаш тажрибаси қаттиқ назорат остига олинган, фикрлаш жараёни алгоритминини тиклаш мумкин бўлгандаги мантиқий фикрлашни ёқлайдилар. Бошқалар эса аксинча, фикрлаш



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi <https://kitobxon.com/uz/asar/3919> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси <https://kitobxon.com/uz/asar/3919> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/3919>